

кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кушили ва фактивни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво мuddатидан ортиқ бўлмаган мuddатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланадиган архив маълумотларини ютиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот ойда маълумотлар олиш ва ҳисобни бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТҲНАТ (АСКУТ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган тақдирда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТҲНАТ маълумотларида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал давр чегарасидан ортиқча бўлганда, плумбланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охирига хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан йўриқ марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмасдан истеъмолчи томонидан таъминотга газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (кўшимча газ аниқломларини ўрнатиш ва фойдаланаётганлик факти буйича асослангувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) - ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида бўлганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва ёки ўлчов комплексининг метр-ёрийлик ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовнинг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб берилган газ ҳажмининг аниқчилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг таъсир бузилиши ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги таъминотларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳукукига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказиш учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ҳақида талаб қилинган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки ҳисобга олиш приборидан сизиб чиқиб ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-уловларини ишлаш графикаси тузилиши ва ишламайдиган газ асбоб-уловларини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб таъмирлашнинг таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиб ҳолати аниқланган тақдирда агар ҳисоб-китоблар охирига кўриқ ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган тақдирдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z DSH 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши шарт).

#### IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни қўлга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунийликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан қамада 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан қамада 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳинини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибда мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан қамада 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизни миқдоридан олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аввал тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайдди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб берил учун тузилган шартномада белгилангандан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффицент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлагини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмоқ, қисқа туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб усулларини тўлиқ қуввати буйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аввал тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчининг хабардор қилган ҳолда қарзини қоплашга йўналтирилади ва аввал тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган мuddатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи мuddати ўтган ҳар бир кун учун мuddати ўтган тўлов